

XIX ASR OXIRI- XX ASR BOŞLARIDA SURXON MEĖNATKAŞLARI AXVOĖI

Даминова Зулфия Шариповна

ТДУ мустақил докторанти Тарих фанлари номзоди

Аннотация: Мақолада XIX аср охири- XX аср бошларида Сурхондарё солиқлари тўғрисида хикоя қилинади.

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги. Солиқлар. Қўзғолончилар. Шеробод, Термиз, Денов, Бойсун.

XVI асрдан бошлаб Сурхондарё Бухоро хонлиги тасарруфига кирган. XVI-XIX асрларда асосан Сурхон бекликларидан солиқларнинг хирож, закот, жизя каби турлари йиғилган. Хусусан хирожнинг хосилнинг 1/10 қисми, закот-боғ, полиз, узумзорларидан олинадиган хосилнинг 1/5 қисми, жизя-1/40 фоизда четдан кирадиган товарлар хисобидан олинган. Воҳада солиқнинг турлари бутун амирликдаги сингари ниҳоятда кўп эди.¹

Бу даврда хирожни амир амалдорлари – дарғалар йиққан. Йиғилган солиқларни қопларга тўрт томонидан муҳр кўйиб, ҳеч ким олиб кетмаслигини назорат қилган.² 1881 йилда Амударё буйидаги қишлоқларидан 450 танга солиқ йиғиб олинган.³

Сурхондарёда солиқ йиғувчилар парвоначи деб ҳам аталган. Бозордаги нарх-навонинг ошиб кетиши, солиқларнинг оширилишига қарши шикоят аризасини Мулла Ўроз ёзиб берган. Нурали оқсоқол, Мулла Ўроз, Доно мулла, Мулла Абдурахимларнинг норозилиги парвоначи Абдужалилбой томонидан бостирилган. Мулла Мухаммади, Кўлоди, Абдурахимлар яширинишга муваффақ бўлишди, қолганлар зиндонга ташланади.⁴ 1885 йил Термиз қозиси⁵ мулла Абдурахимхўжа бўлиб, у Шеробод беги Содикбекнинг ишончли одами эди. Солиқлардан норозиликлар ҳақида Шерободда мулло Носир раис, Бухоро амирига мунтазам хабар етказиб турган. Дўстиёрхўжа, Неймат оқсоқол, Мухаммад, Бигон оқсоқол, Абдурахмон ва Сайид Мухаммадлар Шеробод беги Содикбекбийнинг ўғиллари, ака-укалари амалдор қилиб тайинланганлиги, деҳқонларни қарздор қилиб қийнаганлигидан амирига шикоят ариза ёзганлар.⁶ Солиқларни 4 ман буғдой ўрнига 8 ман қилиб ошириб олганлигидан норози бўлишган.

1867 йил қишда Бухоро амири савдо солиқларини оширди. Бу амирлик чегаралари орқали бўладиган тижорат ишларига ўз таъсирини ўтказди. Сурхон бекликлари бозорларидаги нарх-навога кескин ошиб кетди. Нафақат четдан келадиган товарлар, балки кундалик озиқ овқат, арпа каби дон нархига солиқларнинг кўтарилиши салбий таъсир қилди. Оддий меҳнаткаш халқнинг

1 УзРМДА.Ф.4-3.1 руйхат,400-бет.92-иш.3 Бет.678бет

2 СВ ЎМА 511-иш

3 СВ ЎМА 511-иш

Архивное дело Сур.обл краев.музея №553

5 СВ ЎМА 840-иш 2бет

6 С.ВДА Ж-25 бет,13-ёзув,44-хужжат,9 варақ

ижтимоий ахволи оғирлашди.Камига бу орада амир пул ислохатини ўтказиб хазинани тўлдириш йўлларни излади.Аввал 64 чақа турган танганинг қийматини 132 танга деб эълон қилди.Бундан аввал бозор ва карвонсаройлардаги чақа пулларни йиғиб олди⁷ ва хар бири 32 чақага тенг бўлган танга зарб қилдирди.⁸Бу халқнинг норозилигини келтириб чиқарди.Бозорда нархлар кескин тушиб кетди.1869 Денов беги бўлган Улуғбек бекликни мустақил юртиш мақсадида амирга қарши бош кўтарди.Беклик аҳолисини амирга солиқ тўламасликига чақирди.Амир Музаффар “Деновда ўз душманларини кўрқув ваҳимага солиш учун минг кишининг бошини олди.” Кесилган калларни Денов қаъласининг дарвозасига илиб қўйилди.Йиртчиқ кушлар ўлжа талашиб шовкин қилганида халқ ваҳимага тушади.Денов қаъласи қисман вайрон қилиниб, у ерга ҳеч ким киритилмади.Денов қаъласига келадиган сув йўли дамбаси вайрон қилинди”.

Абдукарим девонбеги аҳоли орасига яширинб, жон сақлашга ҳаракат қилди.⁹ 1868 йилда Деновнинг амирликка кўшиб олининиши билан яқун топди.Абдукарим девонбеги бутун оиласи, бола чақаси билан қатл этилди.¹⁰

Бу масалани ўрганган мулла Шариф мирохўр ва эшон қози Амин, оқсоқол ва навкарларни тўплаб, арзчиларнинг ҳақ эканлигини аниқлаган.¹¹Айниқса, қафсан солиғи ошириб юборилган.Бир ховлидан 13 танга, бир боғдан 12 танга, бедадан 6 танга солиқ йиғиб олинган.Солиқларни тартибга солган Эшон қозига 250 танга фарсах пули (йўл пули),шохи-адрас матоларидан ҳадя қилинган.¹²1898 йил 25 январда Бойсунда маҳаллий дехқонлардан 18-21 киши ерларини тортиб олишларига қарши топографларга хужум қилишган.Уни бостириш учун рус Паттакесаридан Бойсунга казаклар юборилган.¹³1907 йил

30 сентябрда Термиз бозорида солдатлар ва маҳаллий аҳоли ўртасида келишмовчилик юз берган.Солдатлар, маҳаллий амалдорлардан 2 кишини ўлдириб, аҳолидан 4 кишини ярадор қиладилар.Қовун савдоси баҳонасида рус ҳукумати бозор божини ошириб, норозилик келтириб чиқардилар.

Дарғазаб маҳаллий аҳолини тинчлантиришга шахсан Шеробод бекининг ўзи келади.Бойсун беги сарбозларини Термиз атрофини ўраб олиб, халқни тинчлантиришга уринади.Жазодан кўрқиб воқеа сабабчилари атроф қишлоқларга яшириндилар.

“Аҳоли ғазабланиб, хатто харбий гарнизанга бостириб киришга тайёр турганлиги ҳақида Термиз харбий гарнизани Бухордаги сиёсий агентликка

- 7 ЎЗРМДА ф-и 715, оп 1, д.36 док 67, л.265
8 Ўша жойда л.206
9 С. Bonvalot стр 220
10 Б.Х.Искандаров “Очерки гиссарского бекства” Мирзо Салимбек 272 бет
11 СВ ЎМА 553-иш
12 Мейлибаева СМ СВ ЎМА 553 иш, 10 бет
13 ЎЗР МДА ф-3, оп-2, д-60, л-12

хабар юборади.¹⁴Шеробод акционерлик жамияти томонидан Сурхон ерларини ўзиники қилиб олишади.Махаллий аҳолини унумдор ерларилан махрум қилишади.Махаллий аҳолига борадиган сув тўхтатиб қўйилди, оқибатда Шеробод беклининг Оқжар ,Навшахар қишлоқларида исён бўлиб, Оқжарда 4 нафар рус хизматчиси ўлдирилди, бино ва ускуналар вайрон қилинди.Шеробод беги Махрам мирзо Ахмадшарифбий ва унинг ўрнига Хўжа Ахмадхўжа Эшони Судур акционерлик жамиятига бу ерларга барини таъқиқлаб қўйишади.Фақатгина кучли химоя остида, Шеробод ва Бойсун бегига фойдасидан уруғлик дон бериш, хосилдан бир қисми бериш эвазига хосилни йиғиб ололганлар.¹⁵Солиқларинг оғирлиги аҳолини бойлардан қарздорлигини ошириб юборган.1904 йилда Хаим яхудийлан қарзни қайтара олмагани учун бир умр бойга ишлаб беришга мажбур қилинган.¹⁶Қарздорларнинг мол-мулки мусодора қилинган.¹⁷1862 йилда Денов беги Абдукарим додхо дехқонларнинг ғалаёнларини шавқатсизлик билан бостирди.Катта тўра Шеробод яқинидаги қишлоқларни ёндириб юборди.Шу тариқа бош кўтарганларни айовсиз жазолади.Амударё бўйидаги қишлоқлар вайрон қилинди.Қирғинлан омон қолганлар тоғларга чиқиб қочдилар.¹⁸Тартибга солинмаган шавқатсиз солиқлардан жабр кўрган аҳолининг Шеробод беклигидаги 1885 йил исёни қатнашчилари Шеробод зиндонига ташланган.Денов беклигидаги зиндон ҳам бу йиллар исёнчилар билан тўлган.Денов беклиги зиндони бутилкасимон шаклда бўлган.Чуқурлиги 20 метр айланаси 2 метр бўлган, Бу зиндонда ҳеч қандай шароит бўлмаган.¹⁹

1884-1890 йилларда Шеробод, Денов беклигидаги дехқонларнинг норозиликлари ҳам айбсиз бостирилган.Аҳолининг ерсиз қисми вақф ерларида ишлаб, ҳам фойдани бўлишган ҳам, ижара солиғини тўлаганлар.Боботоғ атрофидаги ерлар Денов мадрасасиники бўлиб, уларда вақфчи ижарачилар ишлаб оиласини боққанлар.

1885 йил амирга бир гуруҳ дехқонлар Поёнтош бошчилигида Шеробод беклигидаги солиқларнинг адолатсиз ошириб юборилганидан шикоят қилганлар.Халқни талаш Бойсун-Денов беклигида авж олган.Таассуфки Бухоро амири бу каби арзномаларни беэтибор қолдирган.Натижада солиқ тўламаганларнинг мол-мулкани тортиб олиниши кучайган.1885-1886 йилларда воҳа бекларидан норизиликларга ҳеч бир чора кўрилмаган.Оқибатда махаллий аҳолининг миграцияси кучайган.1885 йилда Термиз бекчасига қарашли Солихобод қишлоғига Шерободликларнинг кўчиб ўрнашиши кучайди.20 хонадон эса бутунлай Термиз атрофидаги Янгиарикқа кўчиб

- 14 Ўз МДА ф-3, оп-2, д-537, л1-2, СВ ЎМА 563
15 Ўз МДА ф-3, оп-2, д-209, л 340-341
16 Документ от 1904 года 15-стр СВ УМА дело 632-1
17 Ўша жойда 23 бет
18 СВ ЎМА 162-иш Парфенов Г.З маъмулотлари
19 СВ ЎМА 568-иш 1965-йили

Ўтди.1892 йилни ўзида Жаркўрғон амлокдорлигидан кўпчилик ахоли кўшини Қабодиён беклигига бориб яшай бошлади.²⁰

Махаллий солиқ йиғувчиларнинг ўзбошимчалик билан ўрнатилган солиқлар устига ўз манаатларини кўзлаб ошиққа белгилаши айниқса курғоқчилик йилларида ёмон таъсир қилган.Халқнинг қашшоқлашиши, очарчилик, солиқ тўлолмаганларнинг хонавайрон бўлиши, қарздорларнинг қулга айлантирилишига олиб келган.Хам махаллий ҳукумат томонидан эзилиш, хам Россия империяси томонидан ерларининг почта-телеграф йули, темир йули, арава йўллари, Термиз шахрини қуриш учун, пахта экиш ва бошқа сабаб-бахоналар билан тортиб олиниши воҳа оддий фуқароларининг тинка-мадорини қуритган.

20 СВДА Ж-54,4-ёзув, 51-ҳужжат ,34-варақ